

Халқ депутатлари туман Кенгашининг ўттиз олтинчи сессияси бўлиб ўтди



“Киндиктепа” маҳалласининг номланиши “Ўунармандлар” номига ўзгаради

Халқ депутатлари туман Кенгашининг ўттиз олтинчи сессияси бўлиб ўтди.
Сессияни туман ҳокими бошқариб борди.

Кун тартибида Қумқўрғон туманида боғ фермер хўжаликларининг ер
участкаларидан самарали фойдаланиш, боғ фермер хўжаликларининг молиявий

ҳолатини янада яхшилаш мақсадида туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.Самадовнинг ҳисоботи тингланди.

Қумқўрғон туманидаги айрим географик объектларни қайта номлаш бўйича Давлат экспертизаси хулосаси ҳамда Қумқўрғон тумани Кенгашининг 6 чақириқ 36- сессияси қарорига асосан Қумқўрғон туманидаги 61 та маҳаллалардаги 139 та кўча номлари қонун талаблари даражасида номланмаганлиги сабабли ўзгартирилади.

Хусусан, “Киндиктепа” маҳалласининг номланиши “Ҳунармандлар” номига ўзгаради.

Сессияда кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.